

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



**Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси — бахтимиз қомуси**

Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар кўмитасида

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида жамоат ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, ушбу жараёнларда фуқароларнинг шахсий фазилатлари, фидойилиги муҳим аҳамият касб этишига алоҳида урғу берилган.



Шундан келиб чиққан ҳолда, хотин-қизлар кўмитаси тизимида “Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти” кўрик-танловини ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам мазкур тизимнинг янада такомиллашувига эришиш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш, уларни ҳақиқий маънода фаолият юритишига эришишдан иборат.

Таъкидлаш керакки, танловда республикадаги мавжуд ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона, идора ва муассасаларнинг 41 мингдан ортиқ хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари иштирок этди. Ўтказилган танловнинг туман, шаҳар босқичларида 18 мингга яқин, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичида эса 2000 га яқин бошланғич ташкилотлар раислари қатнашди. Мазкур босқичларда голиб чиққан 84 нафар хотин-қизлар республика босқичига тавсия этилган эди.

(Давоми 2-бетда.)

“ОБУНА — 2013”

Индекс — 176

“Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий азвоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган мухтарам муштарийлар!
Унутманг, севимли газетангизга обуна давом этмоқда.



Ҳ И К М А Т

Дано одамнинг хислати уч нарсада намоён бўлади: биринчиси, бошқаларга берган маслаҳатига ўзи амал қилади, иккинчиси, ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайди, учинчиси, ўз атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайди.

Лев ТОЛСТОЙ

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Яқинда М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиалида бўлиб ўтган “Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти” кўрик-танловининг республика босқичида 6 та йўналиш бўйича сараланган голиблар тақдирланди. Унда 1-ўринни олган 33 нафар, 2-ўринни эгаллаган 22 ҳамда 3-ўринга сазовор бўлган 30 нафар голиб аёллар ҳамкор ва ҳомийларнинг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан мукофотланди.

Шоҳидахон АБДУЛЛАЕВА,
Андижон шаҳар, Бўстон МФЙ хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси:

— Асли қасбим муҳандис. Маҳаллада иш бошлаганимга тўрт йилдан ошди. Шахсан мен кўпроқ эрта никоҳларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратяман. Албатта, бунда маҳалла фаоллари, кайвони аёллар билан ҳамкорлигимиз ижобий натижа бераёпти. Масалан, бу йил маҳалламизда учта эрта никоҳнинг олдини олишга эришдик. Маҳалламизда 3350 нафар хотин-қиз бўлса, демак мен ўзимда шунча хил характерли шакллантиришим керак. Айниқса, боқувчисини йўқотган, жазо муддатини ўтаётганларнинг аёллари билан мулоқотда бўлиш, уларнинг оилавий аҳволдан хабардор бўлиш олдимиздаги энг биринчи вазифаларимиздандир.

Нилуфара УМАРОВА,
Қарши шаҳар педагогика коллежи ХҚҚ бошланғич ташкилот раиси, “Энг намунали касб-хунар коллежи ёки академик лицей хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти” номинатсияси бўйича биринчи ўрин соҳибаси:

— Коллежимизда 4000 га яқин қиз-

лар таҳсил олишади. Олдимиздаги долларб вазифалардан биринчиси, қизларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат. Бу борада биз энг аввало коллежимиз ўқитувчи аёлларини ёшларга ибрат қилиб кўрсатаёмиз. Спортга эътибор туфайли коллежимиз хотин-қизлари бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Коллежимиз ўқитувчиси Обидахон Алладўстова курашнинг дзюдо тури бўйича Осиё чемпиони бўлди. Гулнора Тўраева “Севинч” футбол жамоасига мураббийлик қилиб келмоқда. Айниқса, “Мустаҳкам оила йили”га бағишлаб ўтказилган аёллар спартакиадасида

ларимизнинг соғлиқларини тиклашлари учун йилга бир марта дам олиш масканларига бепул йўлланмалар берилаёпти. Бухоро, Хива, Самарқанд шаҳарларига саёҳат уюштирилиб, тарихий обидаларни зиёрат қилишлари ҳам уларнинг меҳнат унумдорлигини ошишига тўртки бўлаёпти.

Саноат КАРИМОВА,
Чўст тумани тиббиёт бирлашмаси хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси:

— Худудимизда 24 та қишлоқ врачлик пункти бор. Туман ҳокимининг қарорига биноан ҳар сешанба Оила куни деб эълон қилинган. Шу куни худудларга бориб, туғиш ёшидаги аёлларни, ҳомиладорларни, ўсмир қизларни, ётиб қолган беморларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказамиз. Оилавий муаммолар бўлса, ҳал қилишга ёрдам берамиз. Касб-хунар коллежи ҳамда мактаб ўқувчи қизларини тиббий кўрикдан ўтказилиши натижасида энг кўп учраётган камқонлик ҳамда бўқоқ касалликлари бўлиб, уларни бартараф этиш бўйича соғломлаштириш ишларини олиб бераёмиз.

Шунингдек, тадбирда Наманган, Жиззах, Фарғона, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар кўмиталари “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ташакурномаси” билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Нигора РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири,
Машраб НУРИНБОЕВ
олган суратлар.

Гала ҚАЛЖАНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Кўнгирот сода заводи хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси:

— Айни пайтда корхонамизда 386 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Аёлларимизнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилаларига қўқоқ бериш мақсадида ёш болали оналар учун 7 соатлик иш тартиби ўрнатилган. Хотин-қиз-



коллежимиз аёллари вилоятда биринчилиқни қўлга киритишгани бизларни қувонтирди.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси мунтазам равишда республикамиздаги бир қатор Меҳрибонлик, “Мурувват”, “Саховат” уйларидагилар ҳамда махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия ёрдамларини кўрсатиб келаётганлиги ибратлидир.

Жорий йилда ҳам мазкур жамғармага халқаро ҳамкор ташкилотлар томонидан дори-дармон, тиббиёт анжонлари, мултивитамиин, ноғиронлик аравачалари, витаминлаштирилган сабзавот аралашмаси кўринишидаги мурувват ёрдамлари ажратилиб, улар жамғарманинг минтақавий филиаллари, худудий соғлиқни сақлаш бошқармалари орқали республикамиздаги тиббий ва махсус болалар муассасаларига тақдим этилди.

“МУСТАҲҚАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ” Танлов

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижроси юзасидан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Бадиий академия, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган “Мустаҳкам оила — жамият таянчи” танлови якунланди. Шу муносабат билан Тошкент Фотосуратлар уйида мазкур танлов голиблари ва совриндорларига мукофотларни топшириш маросими ва фотокўргазма ташкил этилди.

Танловга “Мустаҳкам оила — жамият таянчи” деган туйғуни халқимиз, айниқса, ёшлар қалби ва онгига сингдириш, мустақиллик йилларида оилаларни мустаҳкамлаш борасида эри-

шилган ютуқлар ва амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури аҳамиятини ҳамда ушбу ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилган ишларни кенг ёритишга бағишланган саккиз юздан ортқ мақолалар ва фотоасарлар тақдим этилди.

Голиблар ва совриндорлар танлов ташкилотчилари томонидан махсус дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ушбу танлов голиблари орасида газетамизнинг Наманган вилоятидаги муҳбири, иқтидорли журналист Шахло Тошбекова ҳам бор. Биз ҳамкасбимизни мазкур нуфузли танлов совриндори бўлганлиги билан самимий кутлаймиз ва келгусидаги ижодий фаолиятида улкан ютуқлар тилаймиз.



Барно МИРЗААХМЕДОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

ЭЪТИБОР ВА ФАМХҲҮРЛИК

Мустақиллик йилларида оила билан боғлиқ эллиқка яқин қонун, Президентимизнинг йигирмага яқин Фармон, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари қабул қилинди. Айнан Президентимиз ташаббуси билан 1998 йилнинг “Оила йили” ва жорий йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда оилага бўлган эътибор ва гамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 7 миллиондан ортқ оилалар мавжуд бўлиб, уларнинг қарийб 1 миллиони ёш оилалардир. Тўрт йилга мўлжалланган қишлоқ жойларида уй-жой қурилиш дастури амалга оширилиб, бу йил 8,5 минг оила янги уйлarga кўчиб ўтади. Аналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, умуман соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда йилдан-йилга давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдори ошиб бормоқда.

Ушбу ислохотлар натижаси сифатида оила масаласига бағишлаб жойларда турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Худди шундай нуфузли халқаро илмий-амалий анжуманлардан бири Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, республика “Оила” маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти, БМТнинг аҳолишунослик фонди (UNFPA) ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида “Соғлом оила — соғлом жамият асоси” мавзусига бағишланди. Конференцияда олий таълим муассасалари профессор ўқитувчилари ва хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳам иштирок этишди. Беш қисм (сессия) дан иборат бўлган халқаро анжуманда сўзга чиққан маърузачилар Ўзбекистонда оила институти ривожланишининг бугунги ҳолати, замонавий оила ва демографик жараёнлар оиланинг репродуктив саломатлиги, ёшларнинг баркамол авлод сифатида ўсиб улғайиши, ёшларни соғлом оила қуришга тайёрлашнинг оптимал йўллари, топиш, оилани ижтимоий ҳимоялаш сингари масалалар хусусида фикр юритдилар.

— Гувоҳи бўлиб турганимиздек, ушбу долларб масала ҳар қандай даврда ҳам ўз қимматини йўқотмайди. Шу боисдан ҳам “Мустаҳкам оила йили” деб аталди, — деди ўз чиқишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова. — Узокни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотларимиз истиқболни бошқа давлатлар бизнинг тажрибамизни оммалаштирган ҳолда, оила масаласига жиддий эътибор қаратиб, андоза олаётганлигида ҳам қўриш мумкин. Хўш, оила қачон мустаҳкам бўлади? Албатта, унинг аъзолари соғлом, ҳамжиҳат бўлсагина. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилавий спортни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Биз олимпиа аёллар ҳам бу анжумандан ўзимизга керакли бўлган маълумотлар, фактларни олдик, хорижлик ҳамкасбларимизнинг фикрлари билан танишдик. Бу эса келгусида амалга оширадиган ишларимизда жуда ям асқотади, — дейди Тошкент давлат Техника университетини “Социология ва миллий ғоя” кафедраси мудири, психология фанлари номзоди, доцент Камола Фарфиева.

Кўтарилган мавзулар юзасидан савол-жавоблар, муҳокамалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шаҳноза РОФИЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида мамлакатимиз тарихида кескин бурилиш ясаган, аҳамияти жиҳатидан асрларга татигулик ҳуқуқий ҳужжат — Асосий Қонунимиз, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган эди.

Конституциямизнинг яратилиш даври ўта мураккаб тарихий жараёнлар силсиласига тўғри келди. Бу муҳим ҳужжатнинг асосий принциплари ва қоидалари умумэтироф этилган халққаро талаблар билан бир қаторда халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб келган қадриятларини ўзида мужассам этди.

Комусимизнинг қабул қилиниши орқали халқимиз жаҳон ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларга содиқ эканлигини намоён қилди. Унинг асосий гоёси сифатида умуминсоний қадрият бўлган инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш давлатнинг юқори масъулияти эканлиги илгари сурилди.

Конституцияда биринчи марта «Давлат халқ эрки-родасини ифода этиши, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар фуқаролар олдида масъуллиги», қолаверса, ҳисоб бериши норма қилиб мустаҳкамландики, бу норма инсоннинг тенг ҳуқуқлиги, баркамол шахс даражасига кўтарилишга замин яратди. Шунингдек, барча халқларнинг манфаатлари камситилмаган ҳолда давлат тили — «Ўзбек тили» деб эълон қилинди. Бу эса тарихга, давлатчилигимиз, маданиятимиз, меросимизга бўлган авлодлар хурмати демакдир.

Инсонга қатор ҳуқуқлар берилиши, унинг ҳуқуқлари амалга оширилиши ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш нуктаи назаридан Конституцияда алоҳида норма сифатида давлат ҳокимияти тизими — **қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига** бўлиниши белгиланди.

Конституция моддалари-

нинг жойлашувига эътибор қилинса, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари эркинликлари ва бурчлари асосий принциплардан сўнг кейинги, яъни иккинчи бўлимда кўрсатилган. Инсон олий қадриятларнинг давлат, давлат органлари, жамоат ташкилотларидан кўра устун туриши, унга нисбатан ҳурмат билан қаралаётганлиги, улуғланиши Конституция моҳиятини янада оширади ва унинг дунёдаги энг халқлик ва инсонпарвар Қонун эканлигини қўриқиб бермоқда.



Конституцияда фуқароликка алоҳида муносабат билан қаралган. Фуқарога берилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлардан ҳам кўра, даставвал унинг ўзига нисбатан катта эътибор қаратилган. Яъни, республика ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилди, дейилади Конституцияда. Бу ягона фуқаро сифатида ўз Ватанини, халқини, унинг қонунларини севишга, қадриятларини ҳурматлашга ундайди.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар доирасида ҳар бир фуқаронинг мулкка эга бўлиши, мерос ҳуқуқи, меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш

ҳуқуқи, ёлланиб ишлаш, дам олиш, қариганда ва меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, давлат томонидан бепул билим олиш, илмий, техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш каби қатор ҳуқуқлар ҳам Конституцияга киритилди.

Миллий қадриятларимизни ўзига сингирган Асосий Қонунимиз асосида оила, оналик ва

болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим ва ота-оналар васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишнинг ўз зиммасига олганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

«Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини давлат таъминлайди», деб алоҳида модда қилиб кўрсатилди давлатнинг фуқаролар олдида яна бир марта масъул эканлигини тасдиқлайди. Конституциямизнинг афзал жиҳатларидан яна бири — фуқароларнинг сиёсий қарашлари, жамоат ташкилотларининг мафуралари ёки би-

рон-бир оқимнинг йўли — давлат мафураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Бу эса жамиятнинг эркин ривожланишининг кафолати демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси ва бошқа таркибий қисмларидан унинг мазмун-моҳиятини билиш мумкин. Унда адолат, ҳақиқат, маънавият, миллий ахлоқий қадриятлар, умуминсоний гоёлар каби мезонлар талабидоғи қоидалар мавжудки, бу ҳолат Конституциямизни шарофлаш, уни бирламчи олий юридик куч манбаи, деб ҳисоблаш ҳамда устуворлигини тан олишга ундайди.

Ўтган давр мобайнида Қомусимиз асосида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга илҳизм қилишга, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийилиб туриши ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича гоёят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилди.

Зеро, Конституция догма эмас, балки у жамият ривожланиши билан доимий Ҳамоҳанг равишда такомиллашиб, халқнинг келгуси орзу-умидлари ва истиқболини янада юқори даражада қонуний мустаҳкамлаш билан ўз мавқеини ошириб бораверади. Буни биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма

мажлисида илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Хусусан, унда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган Концепция амалдаги Конституциямизни янада ривожлантириш учун янги бир гоёвий асос шаклланди. Президентимиз таъбири билан айтганда, мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни ҳолисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси ва бошқа таркибий қисмларидан унинг моҳияти ва мазмунини чуқур англаш мумкин. Унда адолат, ҳақиқат, маънавият, миллий ахлоқий қадриятлар, умуминсоний гоёлар каби мезонлар талабидоғи қоидалар мавжудки, бу ҳолат Конституциямизни шарофлаш, уни бирламчи олий юридик куч манбаи, деб ҳисоблаш ҳамда устуворлигини тан олишга ундайди.

Гулнора ХУДОЙБЕРДИЕВА,
ЎЗМУ ҳуқуқшунослик
факультети доценти,
юридик фанлар номзоди.

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия раиси, Бош прокурор Р.Қодиров бошқарган маъруз йиғилишда болаларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, оналарнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика қилиш, тиббийет муассасаларида моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш аҳволи ҳамда бу борада Сирдарё ва Наманган вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда республикаимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида замонавий тиббийет техникаси билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, болалар шифоналари, ихтисослаштирилган клиникалар, перинатал ва кенг тармоқлик скрининг марказлари, янги туғруқхоналар фаолияти йўлга қўйилиб, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати тубдан яхшиланганлиги қайд этилди.

Оила мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда соғлом ва баркамол авлоднинг воёга етказиш мақсадида оилада тиббий маданиятни ошириш, кизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, эрта никоҳларга барҳам бериш, тугма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш борасидаги ишларни самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги тадбирлар кўлами айниқса жорий «Мустаҳкам оила йили»да янада кенгайганлиги эътироф этилди.

Сирдарё ва Наманган вилоятларида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида касалликларнинг олдини олиш, бу борада ташхис-даволаш ишларини самарали ташкил этиш, ногирон болаларни соғломлаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан воёга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссиялар томонидан соғлиқни сақлаш муассасалари, хотин-қизлар ва маҳалла кўмиталари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва таълим идоралари билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга

оширилганлиги таъкидланди.

Шунинг билан биргаликда, йиғилишда соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан никоҳланувчи йигит-қизлар, фертил ёшдаги аёллар ва болаларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, аниқланган касалликларни ўз вақтида малакали даволаш, тиббийет ходимларининг малака ва касб-маҳоратини ошириш, тиббийет муассасаларида моддий-техника базасидан фойдаланишдаги айрим нуқсонларни бартараф этиш, бу борада тегишли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Кун тартибидоғи масала юзасидан республика Соғлиқни сақлаш вазири, комиссия аъзоси А.Алимовнинг ҳисоботи эшитилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда
воёга етмаганлар ишлари
бўйича комиссия

«ЯНГИ АВЛОД — 2012»

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг якуний гала-концерти бўлиб ўтди. Фонд Форум, Халқ таълими вазирлиги ва «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ташкилланган ушбу лойиҳага бу йили жажжи иштирокчилардан 30128 та аризалар келиб тушиб, улардан 393 таси гоилибликни қўлга киритди.

Фестиваль 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган ёшларга умумтош ва миллий чолғу, вокаль, рақс, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ҳамда театр сценарийси йўналишларида ўз қобилиятларини синаб кўриш имконини берди. Ўтган саккиз йил давомида лойиҳа Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва туманларидан, хусусан, энг чекка ҳудудларидаги ёш истеъодларни ҳам кашф этишга замин яратиб келмоқда. Лойиҳа доирасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида болалар ижодиёт марказлари ташкил этилган бўлиб, булар болаларга бепул таҳсил бериш билан бирга, улардан турли санъат йўналишидаги қобилиятларини ривожлантиришга шароит яратиб берди.

2004 йилдан буён ушбу лойиҳада мамлакатимиз миқёсида 128 мингдан зиёд ўғил-қизлар иштирок этишди. Улардан 3361 нафари танлов совриндорига айлиниб, Фонд Форум томонидан грант, дипломлар билан тақдирланди.

Барно МИРЗААҲМЕДОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

— Зарифбой ака, кузатган бўлсангиз, ёш болаларда ҳам асаб бузилиш, жиззакилик, қизиққонлик ҳолатлари кўп учраётми. Бунинг сабаблари нимада? Глобаллашув, техника асри, компьютер, уяли телефон кабиларнинг таъсирими ёки оилавий муҳитга боғлиқми?

— Энг аввало, исботланган бир оддий ҳақиқатни айтмайми сизга: нотўғри тарбия ҳам, бош мия касалликлари ҳам боланинг хулқ-атворини кескин ўзгартириб юборади. Чунки ўсмирнинг мияси нафақат анатомик жиҳатдан катталлашиб ва шаклланиб боради, балки ташқарида бўлаётган барча салбий ва ижобий маълумотлар ҳам унинг хотирасида сақланиб боради. Кўп ўтмай ота-она ҳам, жамият ҳам уларнинг натижасини фарзандининг феъл-атворида кўра бошлайди. Айниқса, тақлид боланинг ҳаёт тарзи эканлигини ҳам унутмайлик. Эрта болалик палласидан тортиб, ўсмирлик даври тугагунча, у бошқаларга эргашиб яшайди. Бу жуда катта муддат, ахир! У нафақат ота-онаси, атрофдаги кўни-кўшнилари ва мактабдаги устозларига, балки кинодаги қахрамонларга, машҳур хонанда ёки футболчиларга тақлид қилади. Булар орасида боланинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам бўлиши мумкин. Ҳатто ибратли ота-она ҳам ўз фарзандини тўла назорат қила олмай қолиши ва охиросида ноқобил ва безори бўлиб вояга етиши мумкин.

Баъзан асабий-руҳий бузилишлар болага бўлган эътиборнинг пасайишидан юзага келади. Масалан, уйда янги фарзанд дунёга келди ва оиланинг барча аъзолари янги "меҳмон" билан машғул. Бу албатта (айниқса, 3-6 ёшли болаларда) инжиқ ўспириннинг шаклланишига туртки бўлади. У ота-онанинг эътиборини жалб қилиш учун ўзини касалликка солади, "қорним оғрияпти", "бошим оғрияпти", "боғчага ёки мактабга боргим келмаяпти" деган турли-туман баҳоналар билан уйда қолишга ҳаракат қилади. Табиийки, бу ҳолатдан ота-она безовта бўла бошлайди, унга ортиқча эъти-

бор қила бошлашади, болани уйда қолдиришади. У ҳақиқатан ҳам касалми ёки баҳона қиляптими, буни билиш учун аввало мутахассис шифокорга кўрсатиб, кейин уни чалғитувчи ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин: сайрга чиқиш, бирор бир ўзи ёқтирган ўйинчоқни олиб бериш ва ҳ.к. Лекин болани ортиқча талтайтириб юбормаслик керак ва ҳар хил хархашаларига учавермаслик лозим, яъни ҳаддан ошиб кетган эътибор ҳам унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Аmmo шундай сўхбатлар орасида баъзан айримларнинг "Болам, жиззакироқ бўлиб қолган, бироз одамови, негадир тез-тез боши оғрийди, иштаҳаси ёмон, инжиқ, қулоқсиз", деб ноллаганини ҳам эшитиб қоламиз. Айниқса, бу муаммолар охириги ўн-ўн беш йилда кўпроқ учраётганини кузатишмоқда. Танниқли нейробиолог, тиббиёт фанлари доктори, профессор Зарифбой ИБОДУЛЛАЕВ билан кечган сўхбатимиз бевосита ана шу долзарб мавзуга бағишланди.

ЭНГ ЗҲР ДОРИ-ДАРМОН — СПОРТ

ЭКАНЛИГИНИ БИЛАМИЗМИ?

Бунинг учун энг аввало, оилада тарбия ва таълимга жиддий эътибор қаратиш керак. Жисмоний ва руҳий-ақлий тарбия муҳим роль ўйнашини эсдан чиқармаслик керак. Халқимизда: "Бир болага етти маҳалла ота-она", деган ажойиб мақол бор. Сир эмас, бугун атрофимизни ўраб турган салбий омилларнинг сон-саного йўқ. Енгил-елли кўрсатувлар, клип, ахлоқсиз фильмлар, уяли телефонлар орқали тарқалаётган бемаъни СМС ва фотосуратлар... уларнинг қай бирини санашни билмайсан киши. Буларнинг кўпчилигида ёшлар онгини захарлашга қаратилган яширин мақсадлар ҳам борлигини ҳаммамиз ҳам билвермаймиз. Бу эса жамият аъзолари, ота-оналардан ҳам ўта зийракликни талаб қилади. Эътиборсиз ота-она уйкуга кетгандан кейин бола ярим тунгача телевизор ёки интернетда бемаъни нарсаларни кўрмаслигига ким қаролат беради? Ота-онанинг вазифаси уни ўраб турган муҳитни соғломлаштириш, салбий таъсирларни имкон қадар камайтириш ва болани маърифатли қилиб тарбиялашдан иборатдир. Афсуски, баъзида зийрак ота-она ҳам боласини асрашга оғизлик қилади. Боланинг мияси кераксиз маълумотларга тўлаверади ва унинг хулқ-атвори бузилиб бораверади. Чунки шунча информацияни таҳлил қилиш ҳам керак-ку! Ҳадеб телевизор кўраверадиган бола нафақат руҳан чарчайди, балки жисмонан нимжон бўлиб ўсади.

Сир эмас, ҳузуримизга "Боламга тинчлантирувчи дори ёзиб беринг, уни ҳеч бошқариб бўлмаяпти" деб мурожаат

қилувчи ота-оналар ҳам келишади. Уларнинг аксариятига юқорида санаб ўтилган салбий омилларни тушунтирамай. Ахир, ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаган болага асабни тинчлантирувчи дори бериш унинг ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатишини, энг даҳшатлиси, кейинчалик бундай болалар психологик ногирон бўлиб қолишини профессионал шифокор билади! Ёки "Боламнинг хотирасини яхшиловчи малҳам ёзиб беринг" дегувчилар ҳам учрайди. Обдон қизиқиб суриштирсак, унинг компьютер ўйинига, телевизор ва кўл телефонига муккасидан берилгани аён бўлади. Бундай муҳитда ўсганларнинг нафақат асаби бузилади, балки юраги нимжон, иштаҳаси йўқолади. Яхши овқатланмаган боланинг иммунитет пасайиб тез-тез шоммалайдиган бўлиб қолади.

Бу каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун биринчи навбатда фарзандларимизни спортга қизиқтириш керак! Барчага маълум, бугунги кунда нафақат Ташкентда, балки чекка туман ва қишлоқ жойларидо ҳам турли хил спорт иншоотлари изчил фаолият олиб бормоқда. Афсуски, айрим лоқайд ота-оналар боласини ҳатто ёнгинасида жойлашган спорт тўғарақларига ҳам беришни истамайди. Лекин ўзининг кийиниши, гап-гаштаги учун пулни аямайди. Кейин бўш қолган бола қаерга боради, кўчага, компьютерхонага чопади-да.

Мендан қайси ота-она масолаҳат сўраб келса, энг аввало, умид билан тарбиялаётган фарзандининг асабни тинчлантирадиган, юрагини бакуват қиладиган, хотирасини яхшилайдиган, ҳаттоки иштаҳасини ҳам оширадиган энг зўр дори — СПОРТ эканлигини таъкидлашдан чарчамайман! Тасаввур қилинг, жисмоний тарбияга қизиққан, бирон бир спорт турига қатнайдиган болага, ишбнаси, ортиқча панд-насихат қилавериши ёки асабни тинчлантирувчи дори беришининг умуман кераги йўқ.

Сир эмас, ҳузуримизга "Боламга тинчлантирувчи дори ёзиб беринг, уни ҳеч бошқариб бўлмаяпти" деб мурожаат

Долзарб мавзу



қилувчи ота-оналар ҳам келишади. Уларнинг аксариятига юқорида санаб ўтилган салбий омилларни тушунтирамай. Ахир, ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаган болага асабни тинчлантирувчи дори бериш унинг ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатишини, энг даҳшатлиси, кейинчалик бундай болалар психологик ногирон бўлиб қолишини профессионал шифокор билади! Ёки "Боламнинг хотирасини яхшиловчи малҳам ёзиб беринг" дегувчилар ҳам учрайди. Обдон қизиқиб суриштирсак, унинг компьютер ўйинига, телевизор ва кўл телефонига муккасидан берилгани аён бўлади. Бундай муҳитда ўсганларнинг нафақат асаби бузилади, балки юраги нимжон, иштаҳаси йўқолади. Яхши овқатланмаган боланинг иммунитет пасайиб тез-тез шоммалайдиган бўлиб қолади.

Бу каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун биринчи навбатда фарзандларимизни спортга қизиқтириш керак! Барчага маълум, бугунги кунда нафақат Ташкентда, балки чекка туман ва қишлоқ жойларидо ҳам турли хил спорт иншоотлари изчил фаолият олиб бормоқда. Афсуски, айрим лоқайд ота-оналар боласини ҳатто ёнгинасида жойлашган спорт тўғарақларига ҳам беришни истамайди. Лекин ўзининг кийиниши, гап-гаштаги учун пулни аямайди. Кейин бўш қолган бола қаерга боради, кўчага, компьютерхонага чопади-да.

Мендан қайси ота-она масолаҳат сўраб келса, энг аввало, умид билан тарбиялаётган фарзандининг асабни тинчлантирадиган, юрагини бакуват қиладиган, хотирасини яхшилайдиган, ҳаттоки иштаҳасини ҳам оширадиган энг зўр дори — СПОРТ эканлигини таъкидлашдан чарчамайман! Тасаввур қилинг, жисмоний тарбияга қизиққан, бирон бир спорт турига қатнайдиган болага, ишбнаси, ортиқча панд-насихат қилавериши ёки асабни тинчлантирувчи дори беришининг умуман кераги йўқ.

Оила ва жамият" муҳбири
Шаҳноза РОФИЕВА
сўхбатлашди.



БОЛА-ЧАҚА ВА БОЛА БАҚРА — тилимизда бу жуфт сўзлар фаол қўлланади. Уларнинг маъноси ҳам бизга маълум. Лекин, "чақа" ва "бақра" сўзларининг туб маъносини ҳаммамиз ҳам билвермаймиз. "Бола-чақа" жуфт сўзидаги "чақа" сўзи "кичкина", "кичик" деган мазмунга эга. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, "бола-бақра" жуфт-лигидаги "бақра" сўзи "бақир" феълининг "йиғла" маъносидан келиб чиққан.

Майсазор тўла
бола-бақра, қий-чув...
Асқад Мухтор

Уерда хотин-халажлар,
бола-чақалар чувилашарди.

Мирзакалон
Исмоилий

ЎЗАН — "ўзан" сўзи тилимизда йирик оқим, сув йўли маъносини англатади. Бу сўз қадимда "оқиб ўтмоқ", "оқ" маъносидаги "ўз" феълидан пайдо бўлган. "Ўзан" сўзи дастлаб "оқин сув"ни билдирган, "сув йўли" маъноси кейин ўсиб чиққан. Эҳтимол, "ўзиб кетмоқ" маъносидаги "ўз" феълининг ҳам "оқ" маъносидаги "ўз" феълига алоқадорлиги бўлиши мумкин.

Энди ўзандан бу ёққа ариқ чиқариш ва ҳовуз қазиш керак эди.

Пиримкул Қодиров

ЎКЧА — оёқ кийимининг товони остига қоқилган қалин чарм, पोшна тилимизда қадимдан "ўкча" деб аталган. Ҳозирда бу сўз кам қўлланилса-да, унга адабий асарларимизда, эртақ ва достонларимизда тез-тез дуч келамиз.

Тўғайсари уларга тил учиди салом бериб,
ўкчали этигини суғурди.

Шукур Холмирзаев

Оёғида ўкчаси баланд қизил этик, елкасида милтиқ...

Саъдулла Сиёев

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.



БАХТ БОЙЛИҚДА ЭМАС

Эр-хотин ўртасидан ола мушук ўтди. Келин ийлаб онасини чақирди. Қайнона қудасига деди:

— Уйда ҳамма нарса бор, қудагай. Яп-янги мошина хизматда. Бир қутиди сариёғ, бир челақда асал, музлатгич тўла ёғит. Билмадим, қизингизга яна нима керак экан?!

Қўшни кўрган онахон узоқ ўйланиб

турди-да, кейин кесатиқ оҳангада деди:

— Бунга мол-дунё эмас, тўқисегина бахт керак, иқбол керак. Қотган ноннинг ўзини ўйнаб-қулиб ейдиган ширингана ҳаёт керак, тушундингизми?!

"ЯНГИ" ҚЎШНИ

Касалхонада боласининг оғирлашиб қолганини айтиб, йиғлаб қарз сўраб чиққан янги қўшинига йўқ деёлмай, бир

Кўнгил кечинмалари

ҳафтада қайтараркан, деб бор будини тутқазиб юборган аёл пулини уч ой кутди. Бир кунни ёнидаги тижоратчи ҳамсоясига шу ҳақда гап очувди, у кула-кула гапириб қолди:

— Нималар деярсиз, ўша аёл бозорда савдо қилиб юрибди-ку! Кечаси мендан бир ярим миллионлик мол олиб кетди...

Гулсара ИСМОИЛОВА

Муқаддима ўрнида:

Бугунги ҳикоямиз қаҳрамони бўлмиш Санобархон Дўстматова ҳам биз билан замондош аёллардан бири. У пойтахтимизнинг Себзор мавзесида яшайди. Опа билан суҳбатлашган одам бир қарашда бу муштипар онанинг бошидан қанча синов, савдолар кечганини тасаввур қилолмайди. Чунки у ўзини чин маънода таниган ва идрок эта олганлиги ва энг муҳими, ҳаётга тегаран назар билан қарай олиши орқали бошқаларни ҳам сабр ва матонатга ундайди, десак муболага бўлмас. Яхшиси, унинг Умр дафтаридаги ушбу ёзувлар билан сиз ҳам бир танишинг-чи:

...Санобархон ота-онасининг раъйига кўра, тагли-тугли хонадонга узатилган вақтда ҳали эндигина ўн тўққиз ёшда эди. Орадан бир йил ўтгач, оилада тўнғич фарзанд Ёкутой туғилди. Икки ёшнинг қувончи чексиз, бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатлари адосиз эди...

Икки йилдан сўнг ёш келинчақнинг яна кўзи ёриди: энди ўғил дунёга келди. Ота-онанинг боши осмонга етди. Янги меҳмонга Улуғбек деб исм қўйишди. Лекин, тақдирни қарангки, ҳаёт синовлари олдинда экан. Аввалига муғрак Улуғбек, кейин эса бирин-кетин туғилган беш бола уч-тўрт ойгина яшаб, нобуд бўлаверди. Муштипар она қисматнинг қутилмаган бу зарбасидан гангиб қолди. Саққизинчи фарзандига ҳомиладор пайтида қайнонаси "Буни-си ҳам барибир нобуд бўлади", деб ўғлидан уни ажратиб юборди.

Санобархон иккиқат ҳолида кўзининг нури дийдаси Ёкутойни етаклаб, ноилоҳ ота хонадонига қайтди. Қизларининг кўргуликларидан юраклини зада бўлган, айниқса, унинг эридан ажралишини ўзлари учун номус, деб билган ота-онанинг бошлари эгилди. Орадан кўп вақт ўтмай, қизларининг кўлини сўраб келувчилар чиқарверди. Охири Санобархон ҳаётнинг пасту баландини кўрган, инсоф-диёнатли инсон Иззатилла акага турмушга чиқди.

Оллоҳнинг марҳаматини қарангки, не-не умидлар билан ўзга хонадонга қадам қўйган аёлнинг бахти қулди: қизлари Моҳларойимнинг дунёга келиши ўртадаги риштани янада мустаҳкамлади. Иззатилла ака рафиқасининг аввалги турмуш ўртоғидан туғилган икки гўдакни ҳам ўз боласидан кам кўрмади.

Шодмон яшаётган қуларнинг бирида умр йўлдоши ишга кетаётиб, ногаҳон автоҳалокатга учраб... оламдан ўтиб қолди. Эҳ, у кунларни эслаш, хотирлаш осон деб ўйлайсизми? Лекин аёлнинг бошини тошдан деганлар рост айтган экан. Санобархон бу кўргуликни ҳам сабр билан енгди. Уч фарзандини бағрига босганча, уларнинг кейинги тақдирини ўйлади. Ҳали норасида ёшда бўлган болаларга ҳам ота, ҳам она бўлишга мажбур эди у.

Иззатилла ака ҳаётлик вақтида яшаб турган уйини сотмоқ учун шу маҳаллалик бир киши билан вадалашган экан. Буни қарангки, эри вафотидан сўнг Санобархон касалхонада даволанаётган чоғида ҳалиги харидор


АЁЛ БОШИ ТОШДАН ЯРАЛГАН

уйнинг ярим пулини тўламаган ҳолда оиласи билан буларнинг уйига кириб олса бўладими. Етимлар ҳақидан ҳам кўркмайдиган бундай кимсаларга яна у Оллоҳдан инсоф сўради.

Иззатилла ака Марғилонда яшши тадбиркор сифатида танилган бўлиб, бир киши билан шерикчиликда ипни қайта ишлаш цехи очишган эди. Ҳали-

сизга ҳазрати аёл" деганларига неча бор гувоҳ бўлдим.

— Очиғи, ён-атрофингдаги инсонларнинг қандайлиги бошинга бир мушкул иш тушганда билинаркан, — дейди Санобархон опа биз билан суҳбатда. — Қай бири уни қўллаб-қувватлаб мадад қилини чўзса, бошқаси турткилаб йиқитишга уринаркан. Бундай мисоллар-



ги одам ҳам бир пасда ўзгарди қолди: Чунки бу цехдаги отасининг улуши қизи Моҳларойимга ўтиши керак эди-да. Санобархон маъракаларни ўтказганидан кейин секин унинг олдига бориб, маслаҳат қилди. У бўлса "Опа, бироз сабр қилинг, гап йўқ, цехнинг ярим улуши Моҳларойимки, отаси менга ҳам шундай васият қилганди" деб ишонтирди. Лекин орадан бироз вақт ўтгач, нафс қулига айланган киши ҳе йўқ, бе йўқ, тўнини тесқари қийганча, "Сизларнинг ҳеч қандай улуш-пулушларинг йўқ", деса бўладими.

Бундай лафзсизлик ва ноҳақликдан қуйган аёл қимтинибгина, "Худодан кўркмайсизми, ахир етимнинг ҳақи етти дарёни қуритади-ку, буни ҳеч қачон эсингиздан чиқарманг", дея олди холос.

Орадан йиллар ўтди. Санобархон фарзандларини илмли-маърифатли қилиш умидида пойтахтга қараб йўл олди. Матонатли аёлнинг жаҳди қатъий эди: "Фарзандларини оёққа турғазим, уларни ўқитиб, уйли-жойли қилишим, энди фақат шулар учун яшашим керак". Барча машаққатларни енгиб, мустақиллик шарофати туфайли тижорат соҳасида ҳалол меҳнат қилди. Мана бугун бошидан кечган синов ва қийинчиликлар тушлар мисол ортда қолди. Уч фарзандни оқ ювиб, оқ тараб, оёққа турғаздан мунис онанинг сабр-бардоши ва матонати ҳақида эшитганлар, "Таъзим

ни мен ўз ҳаётим мисолида неча бор кўрдим. Минг шукурки, ёнимда инсофдиёнатли, меҳридарё инсонлар ҳам кўплиги боис енгилмадим, йиқилмадим.

Уларнинг номларини санай қолайин-а: бугун юз билан юзлашаётган дуоғий волидаи муҳтарамам, меҳрибон опажоним Саодатхон, жиянларим Раънохон, Барнохон, Ўқтамжонлар бошимга қандай азоб-уқубатлар тушган бўлса менга суяч, айна бўлишиди. Қўларидан келганча оилам, бола-чакамга ёрдам бериб туришди. Бир яхшилик ўн яхшиликни бошлаб келади, деганлари рост экан. Қадрдонларим Дилбар опа, Мунаввар опа, Озода опалар, дугонам Гулнорахон менга доим ҳам моддий ва ҳам маънавий жиҳатдан мадад беришди. Уларнинг барчаларига бошим ерга теккунича таъзим қилсам ҳам кам. Аслида бизнинг юртда бир-бирига меҳроқибат кўрсатиш, эзгулик қилиш азалий одат. Шунинг учун мен баъзан дардларимни бировлар билан бўлишим, ёруғ ва армонли хотираларимни айтиб, енгил тортмоққа чоғланаман. Шундай пайтда одамнинг одамга ганимат эканлигига минг бора иймон келтиришим. Ва юрагим тубидан "Сизга жоним садага, яхшилар" дегим келади баралла хайкириб.

— Тўғриси, ўзимдаги бирор яхши нарсани бошқалар билан баҳам кўргим келади. Бир замонлар охириги насибам-

Тақдир сўқмоқлари

ни ҳам қариндошларим, дўст-ёрларим билан бўлишиб еган вақтларим кўп бўлган. Шу боисданми, улар ҳам энг керакли вақтда мени огринмай қўллаб-қувватлашди. Зотан, беҳиз айтишмас экан-да, Оллоҳ азиз қилган инсонни бандаси хор этолмас деб...

Бугун камолга етиб, кўзни қувонтириб турган уч фарзанд — Ёкутой, Оятуллоҳ ва Моҳларойим онасининг бебаҳо хазинаси, оиланинг шамчироғи, орзу-умидлари меваси, десак асло янглишмаймиз. Ёкутой марғилонлик зиёли, ўқимишли йигитга турмушга чиқиб, бахтли ҳаёт кечирмоқда. Улар икки фарзандни тарбиялаб, вояга етказишмоқда. Опанинг ўғли Оятуллоҳ айнаи дамда Тошкент кимё-технология институтининг нефть-газ факультетида 2 босқичда ўқияпти. Унинг ҳам бир дунё орзулари бор. Ота-оналари етолмаган армонларни ушалтирмоққа бел боғлаган.

— Болалигимдан бошлаб бокс ва футбол тўғараклари машғулотларига мунтазам қатнашиб келаман, — дейди у биз билан мулоқотда. — 2009 йили бокс бўйича ўтказилган мусобақада қатнашиб, Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Келажакдаги орзум, жаҳон чемпиони деган шарафли номга эришиб, мустақил Ватанимнинг довуғини бутун дунёга танитиш.

Оиланинг кенжаси Моҳларойим эса айнаи пайтда хитой тилига ихтисослаштирилган 59-умумтаълим мактабининг 8-синфида ўқияпти. Ҳали ёш бўлишига қарамай, унинг турли мавзуларда ёзган мақолалари "Гулхан" журнали ҳамда "Тонг юлдузи" газетасида чоп этиляпти.

— Рақсга жуда қизиққанлигим боис, рақс бўйича турли кўрик-танловларда иштирок этиб келаман, — дейди Моҳларойим. — Жумладан, Фонд Форум томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган "Янги авлод" болалар фестивалида ўтган йили "Тановар" рақсим билан қатнашиб, сертификат олдим. Бу йил эса "Фасли навбахор" деб номланган рақсим кўпчиликка манзур бўлди. Бундан ташқари, айнаи пайтда корейс ва инглиз тилларини ҳам ўрганилган. Келгусида раҳматли отам орзу қилганларидек, журналист бўлмоқчиман.

Фарзандларининг ёниб, жўшиб сўзлаётганини бир чеккада қузғитиб турган Санобар опани секин қузатдик. Киприкларига инган ёшларни артаркан, "Менинг бошимдан кечган гаройиб воқеаларга бой кечмишлар булар учун эртатка ўхшайди. Шундай бўлиши ҳам табиий. Нега десангиз, биз кўрган кунларни булар кўрмасин ҳам. Насиб этса, ёруғ кунларга етганим энди рост бўлсин. Менга, қолаверса, кўзим қорачўғидек асраб-авайлаб ўстираётган болаларимга куну тун Яратгандан бахту саодат, сиҳат-саломатлик сўраётган онажонимга таъзимдаман. Қисмат синовларини енгимида елкадош бўлганларга раҳмат, оёғимдан чалмоққа уринганларга эса инсоф, диёнат сўрайман" деб қўйди.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎҚТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ой амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Торт олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой. **Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Гўзаллик салоғига тайёрлаш — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой, Бисердан гуллар, даррахлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан
Етоҳона мавжуд.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзё 1-уй 31-хона.
МУЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ:
Қўйлик кийим бозори рўпарасида.
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Тарбиядаги энг катта хато, ўта шошқалоқликдир.

Ж.РУССО

Одамларни ҳамма нарсасига ўргатишад-ю, аммо андишага ўргатишмайди, ҳолбуки улар билимдонлик билан эмас, ўзлари ҳеч қачон ўрганмаган ўша андиншалик билан ажралиб туринга кўпроқ интиладилар.

Б.ЛИСКАЛЬ

Ёмон тарбия кўрган одамни қайта тарбиялашдан оғирроқ нарса йўқ.

Я. КОМЕНСКИЙ

Ўргатмоқ учун сўқин, ёрдам бермоқ учун ҳақорат қилиш шарт эмас.

Ф.ЛАРОШФУКО

ЭЪЛОН!

2010 йилда Тошкент давлат техника университети томонидан Равшанов Миржалош номига берилган рейтинг дафтаридаги йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзабек ёши қирқдан ошган, ботиқ кўзлари қиз боланикидек маъсум боқиб турадиган, серсоқол одам. У камгап, фақат кўпқари ёхуд кураш ҳақида сўз кетса, чакаги очилади. Ўз ўрасидаги чавандозу полвоннинг қилигидан тортиб, қайси уруғдан, кимга уйланганигача билади. Биргина айби — отнинг эгарига оёқ оширмаган, полвонлар яқтагани елкасига илмаган. Аммо товони гўза орасида кесакка кўп оқнашган. Айни пайтдаям фермер хўжалигида икки-уч ўсмир билан улбул ишларни қилиб юрибди.

Унинг даласини катта йўл кесиб ўтган. Йўлнинг Фузор томонида Эрناзар тобгир, Олтинтепа томонида эса Мирзабек ўз одамлари билан ишлади. У қаердан журъат топди, ҳеч ким билмайди. Тужуқшдай бошини пихиб юрадиган Мирзабек кўркмасга айланди. У иш ҳақи талашадиган одат чиқарди.

Содиқ хайрон. Илгари бори-га барака қиладиган Мирзабек чаёндек ниш чиқараяпти. Ҳар гапнинг бирида маоши озлигидан нолийди. Содиқниқидан кам бўлмаслиги керак эмиш. Содиқни эса фермер ёнига чақириб, "Ука, рўзгорингни боқаман. Фойданинг учдан бири сеники. Муаммоларингни ўзим ҳал қиламан" деган. Буни Мирзабек билмайди. Ўзини Содиқдан кам кўрмайди.

Мирзабек ҳам гўзанинг таназидаги ўзгаришларни бир қарашда билади. Эрназар тобгирдан ўтса ўтадики, кам жойи йўқ. Аммо маошга келганда шу гап. Бир қарич пастда юради. "Чўлибек туячининг ўғли Тошқоранинг ишга чиққани зўр бўлди. У Эрназар тобгиргаям Тошқора орқали зарб беради. Маошини оширмай кўришинчи!" Мана шу ўйлар Мирзабекни тинч кўймади.

Иш бошқарувчи Содиқ фаросатли одам. Мирзабекнинг хаёлидагини сездди, шекилли, маошини сал-пал кўтарди. Кўриб-билиб юрибди, рўзгори катта, ғингисша ҳам, айтган ишни пишиқ қилади. Эрназар тобгир эса тоблапти, оғир ишдан қочиб қолади. Эгатларга сув тарашда ҳам "ашагини суғораман" деганча кетади-да, анча вақт қорасини кўрсатмайди. Шу боисдан бўлса керак, иш ҳақи ҳам талашмайди. Аммо пахта терими бошланишига озгина қолганда...

Ҳали куз кўёшининг ҳарорати анча баян эди. Бу офтобни кунлар гўё авжи саратоннинг шомолди хавосини ёдга соларди. Фақат оппоқ қордай очилиб ётган пахтазор йигим-терим

палласи етиб келганидан дарак берарди.

Туш пайти иш бошқарувчи ва хўжалик аъзолари ариқ ёқасидаги букри толнинг соясида чой ичишаётганди. Гапни Мирзабек бошлади:

— Содиқвой ака, болаларнинг бўйи ҳам чинордай чўзилиб қолди. Каттасига уй бошлаганимга беш ойдан ошди. Келин-куёвни мустақил қилмасам бўлмайди. Менга суяниб қолиш-

(тийрамоҳ куз дегани — муал.) тушди дегунча кароқсоғингизни ва ж қилиб, ўзингиз кетасиз. Ҳарна дардимиз ичимизда, ғинг деганимиз йўқ.

Шу вақт хивични безашдан тўхтаган Содиқ унинг гапини бўлди:

— Мен-сени йўқ Мирзабой иним. Гапнинг индаллосини айтсам, жавоб йўқ. Иложим йўқ. Мен ҳам бировнинг қўлига қараган одамман. Ҳадемай бош

пуркаётган манави одамга кўпам суянаверманг. Жойи келса, сизни ҳам тоблаб юборади. Билар ҳам жижанганимиз чиқиб, эгатларга су тараганмиз, хотиннинг қўйнида эмас, пахта даласида уйқуни чала қилганмиз.

Кизишиб тутқаётган Мирзабекнинг ҳовурини босмоқчи бўлиб Содиқ бошқарувчи гапирмоққа чоғланди. Лекин жажл отига минган Мирзабек унга оғиз очдирганиям кўймади.

— Тўхтанг энди, катта. Гапни ўртасидан бўлманг. Сизга тобгир билан тенг иш ҳақи кўйдим, деб таъна қила-яписизи. Берган ўн қоп бугдойингиз рўзгоринга уроқ ҳам бўлмайди. Тобгир эса уйига икки тоннадан ошиқ дон тушириб олаяпти. Қаерда ой кўрсатган бу киши. Кўрасиз ҳали, менинг майдонимдан бу кишиникига қараганда икки баравар ҳосил кўп чиқарди. Чиқмас, қўлларимни болтанинг остига қўяман.

Чой хўплайётган Эрназар тобгир луқма ташлади:

— Ҳов, катта кетманг, укам, кўлсиз қўналиб қоласиз.

— Мен бор гапни айтаяпман. Чаноғига сигмай турган пахтага қаранг. Ушласангиз кафтингизга сиймайди. Бунинг барчаси Чўлибек туячининг тўнғичи мекхати билан яралган. Сиз эса бу йил гўзани майиб қилдингиз. Чаноқлардаги пахтами, сўли қочган бармоқдай бужмайиб қолган, — деди бетинг-кўзинг демай Мирзабек.

Бу гаплар Эрназар тобгирга игна санчгандек таъсир қилди.

— Ҳаддингдан ошма, ҳов бола! Оғзингга қараб гапир! — деб ёнбошлаб ётган жойидан илҳис туриб кетди. Вазиятнинг кескинлашаётганини сезган Содиқ иш бошқарувчи:

— Бўлди, кўп қизишманглар! Жавоб сўраган ким, энди бир-биримизни тафтиш қилишга ўтапмиз. Киши билмас тўлиб юрган экансизлар-ку! — деди овозини баландатди.

Мирзабекка Эрназар тобгирнинг ўзича каттачилиги таъсир қилганди. Ҳали ҳамон уни бурнидан суви оқиб юрган болага тенглаштиргани алам қилди.

ЖАНЖАЛ

масин. Ўз ар-васини ўзлари тортгани яхшида. Шунга мендан бошқа ёрдам берадиган йўқ. Бир ойга жавоб беринг. Лой ишларига ёрдамлашай...

Ярим кулоч келадиган қора тол хивичига ола-була безак солаётган Содиқвой унинг гапини гўё эшитмаганга олди.

Вазиятни зимдан кузатаётган Эрназар тобгир Мирзабекка савол назари билан қаради. Аммо унинг қуюқ ва сарғиш қошлари остидан нурсиз боқиб турган кароқларидан бирор нарсани уқиб олиш қийин эди. Тобгир патак соқолининг тагини бармоқлари билан қашиди-да, темир чойнакдаги тафти сўнган чойдан мириқиб симирди.

Мирзабекнинг товуши ўзгарди.

— Нима дейсиз, Содиқвой ака?

— Бўлмайди, Мирзабек иним, — деди иш бошқарувчи ҳолатини ўзгартирмай.

— Бўлмайди-и-и? Нега?..

Мирзабекнинг овозида таҳдид бор эди. Содиқ ишбоши бундан ҳам ажабланди, ҳам кўркувга тушди. Жавоб бергунча бўлмай, орага Эрназар тобгир тушди.

— Энди қариндош, раҳбар бир нарсани чўтлаётгандирки, йўқ деяпти. Одам деган сал нарсасга қизишиб кетмайди-да.

— Сиз Эрназар ака, гапга аралашмай туринг. Мен иш бошқарувчидан жавоб сўраяман. Неча йилдан бери тирама

қашисига қўл тегмайдиган кунлар бошланади. Адоғи кўринмайдиган ишларни мен ким билан бажараман? Жуда зарил бўлса, ана фермердан жавоб сўранг. Бориб айтинг, дала четига ёз бўйи сигир боқдим, сувчилигим учун ойига ўттиз мингдан маош олдим, куз келиб ойлик озайчаг, уй ишларини қилмасам бўлмайди, денг. Илло жавоб берса. Тобгирдай одам жавоб сўраб ўтирибди. Ҳа, дея олмадим. Сенга қандай қилиб...

Мирзабек Содиқ бошқарувчига қаради. Шу пайтгача эътибор қилмаган экан. Унинг бақбақалари осилиб, бўйин ости терилари калтакесакникига ўхшаб чиққанлар ҳосил қилганди. Бетини чанг босган, нурсиз эди.

— Ав, раҳбар ака, мен сизни тушунмасиз деб дардимни айтувдим. Қанотингизга сув

Воқеий ҳикоя

— Ҳой, Эрназар, тобгир бўлсанг ўзингга, нимага ётган жойингдан дикрайиб турасан. Нима, дўк урсанг қалтираб қоладиган ёш болани топиб олдингми? Қошингни чимирасан, урасани? Тўғри гап туққаннингга ёқмайди. Ўзингни тарозига қўйиб кўрдингми? Шу майдонда Тошқорадан бошқанинг изи йўқ. Сен чайлада ётиб олиб, уни аврашдан, мақташдан нарига ўтмайсан. Бечора сув махалида уй бетини кўргани йўқ. Сен эса шу ўртада ҳовлингдаги кам-кўстингни тузатиб олдинг. Маошга келганда сеники филдай, уники эса сичқонинг кўмалогидай. Бир вақтлар Тошқора ёнган оловда мен ҳам ёнганман. Елкаминг яғри шундан. Сенларда инсоф йўқ. Бировларнинг ҳақини Худодан кўркмай болаларингга едирасизлар. Рўзгорларингга бориб, бир назар солинглар, кимдан ошиб кетдиларинг?! Бошларинг касалдан чиқмайди, — деди уларга ҳам газаб, ҳам ачиниб билан қараб Мирзабек.

— Сизларга раҳим келадими.

Мирзабекнинг яшиндай чақнаши, момоқалдиқдек гулдурраши Содиқ иш бошқарувчини ҳам, Эрназар тобгирни ҳам гангитиб қўйди. Улар бундай тошқинни қутишмаганди. Тобгир унинг гапига гап қайтаргиси келди-ю, аммо яна нимадандир чўчиди. "Бекорга Мирзабек шайтоннинг ўйини кўпқари ва кураш билан қизиқмайди — ўкраш қайтара берса, эғнидагини ечиб мушшлашидан ҳам қайтмайди. Байдовга байдов десанг арпа бўйи ўсади", дея ўйлаган тобгир тилини тийди.

Охири бўлмади, Содиқ иш бошқарувчининг сабр касоси тўлди.

— Бўлди қилгин, эй бандани мўмин. Сенга руҳсат, бор, уйингни битказ. Бир жавоб бўлса бердим. Фақат қулоғимни тинч қўйгин, — дея жойидан туриб, пахтазор оралаб кетди.

Эрназар тобгирнинг боши эғилди. Шу топда оиласидаги нохушликларнинг илдизини топгандай эди.

Мирзабекнинг пирпираб учаётган лаблари ҳали унинг жахлдан тушмаганини кўрсатди. Аммо шу онда кўксини чангаллаб турган нимадандир қутулгандай бўлди. Эски чопонини силкиб-силкиб эғнига ташлади-да, қишлоққа қараб йўл олди...

Турсунбой БОЙМИРОВ,
Қашқадарь вилояти.

Ҳар гал шамоллаб қолсам, лабимга майда учуқлар тошади. Шу арзимаган тошма сабабли ҳамкасбларим олдида ўзимни ноқулай ҳис қиламан. Онам эса бу соғайиш аломати, дейдилар. Шу ростми?

М. Ваҳобова.

Ушбу саволга Республика ихтисослашган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Талъат НАБИЕВ жавоб беради:

— Учүқ грекча «герпес» сўзидан олинган бўлиб, тана бўйлаб судралувчи деган маънони англатади. Кўпроқ бу вирус кўз териси, марказий асаб тизими, танадаги шиллик қаватлар ва тери соҳаларини зарарлайди. Ҳозирги кунда учүқ вирусларининг 80 дан зиёд, хасталик чақирувчи 8 та тури аниқланган. Улардан бири **оддий учүқ** ҳисобланса-да, унинг ҳам икки тури мавжуд. Бирин-

УЧҲҶ ХАМ КАСАЛЛИКМИ?

чиси лаб соҳасидаги терига тошма чақирса, иккинчиси жинсий аъзоларнинг шиллик қаватларида пайдо бўлади. Келиб чиқиш сабаблари асосан уни кўзгатувчи вирус билан боғлиқ. Мазкур вирус одам организмга тушгандан сўнг, у хужайралар ичида яширин яшаб келади. Инсон шамоллаш, қаттиқ зўриқиб ёки бошқа касалликларни бошидан ўтказганда иммун тизими сустлашиб, учүқ вируслари фаолашади.

Баъзи кишиларда иситманинг кўтарилиши, енгил безак тутиш ҳолатларида учүқ тошиши кузатилса, айримларда ҳеч қандай белгисиз ҳам бу тошма пайдо бўлади. Узоқ вақт совуқда қолиш, эрталаб чўмилгандан кейин салқин ҳавога чиқилганда ҳам шамоллаш юз беради.

Учүқ тошган одамни кўрганда баъзилар "совуғинг ошибди, новвот чой ич", деб маслаҳат беришади. Умуман

олганда, бу ҳолатни мижоз билан боғлаш нотўғри. Оқориди айтиб ўтганимиздек, бу асосан вирус билан боғлиқ. Баъзилар уни қўрқиб аломатларига ҳам йўяди. Аслида бу иммун тизимининг ўзгаришидан далолат беради. Чунки эмоционал омиллар, масалан, стресс, асабийлашиш, афшоби б ў л и ш,



Сўраган эдингиз

кўрқиб организмдаги касалликка қарши курашиш кучининг сусайишига олиб келади. Инсон нимадандир қаттиқ чўчиган, ҳаяжонланган пайтда иммун тизими қисман сустлашади. Натижада вируслар фаоллиги ошади. Агар хонадонда бирор кишига учүқ чиқса, идиш-товоқлар, қўл, юз сочиқларидан алоҳида фойдаланиш керак. Пуфакчалар таркибидagi суоқлик идиш-товоқларга текканда бошқаларга қиши эҳтимоли ошади.

Шунингдек, учүқ алоҳида муолажа курсларини талаб этадиган касаллик. Аммо кўпчилик бунга эътиборсиз қарайди. Бир йилда унинг тўрт мартадан ортиқ қайталаниши иммунитетинг ўта сустлашганидан дарак беради. Бу ҳолатда бемор албатта, тери-таносил касалликлари шифокорига муурожаат қилиши зарур.

Нигора Алишер қизи ёзиб олди.



УЗУН ТИРНОҚЛАР

Тирноқларини узун қилиб ўстириб юрвчи қизлар бугун ҳеч қимни ҳайратга солмай қўйган. Гўё бу одатий ҳол, гўё гўзаллик ифодаси, гўё унинг зийнати. Балки шундайдир. Бу одатнинг аниқ тарихини билмаймиз. Аммо кичкина бармоқ, яъни жимжилоқнинг тирноғини ўстириб юриш урфи ҳақида тарихда кўплаб қизик ва ажабланарли маълумотлар учрайди.

Айрим манбаларда келтирилишича, ўрта асрларда Францияда киборлар орасида жимжилоқнинг тирноғини ўстириш шarti қабул қилинган. Сарой этикетига кўра, хонага киришдан олдин эшикни муштраб тақиллатиш эмас, балки ўша тирноқ ёрдамида оҳишта тирнаб, енгил қитирлатиш керак бўлган.


Ўтган асрнинг 60-йилларида АКШда шаклланган оммавий "маданият" кўринишларидан бири "Хиппи" деб аталиб, унинг аъзолари Вьетнам урушига, умуман ҳар қандай урушга қарши



руҳий кураш олиб боришган. Улар "Уруш қилманг, яхшиси севинг ва севилинг!" деган шиор остида жамоа бўлиб яшашган, ўзларини эркин ҳаёт кечирувчилар тоифасига киритганлар ва ҳатто, маълум миқдорда наркотиклар қабул қилишни ҳам таъқиқлашмаган. Ушбу ҳаракатнинг айрим аъзолари жимжилоқнинг маълум узунлиқдаги тирноғи билан кокаин кукунини олиб хидлашган. Ўша тирноқ кукун учун аниқ ўлчам ҳисобланган.

XVIII асрда Европада кўпчилик оқсуяклар ўстирилган жимжилоқ тирноғида сургич суртиб хатларни муҳрлашган. Дарвоқе, А.С.Пушкин ҳам жимжилоқ тирноғини ўстириб юрган.

Бундай тирноқдан қартабозлар найранг йўлида унумли фойдаланишган. Шунингдек, XIX аср бошларида кисса-вурлар чўнтакларни кесиш учун ўткирланган узун тирноқларидан фойдаланишган. Мабодо, кўлга тушиб қолганларида ҳам дарҳол тирноқларини синдириб ташлашган ва ёнларида тигли



буюм олиб юрмаганликларини рўқат қилиб траверишган.

Бугунги кунда айрим компьютерчи йигитларда шу тарзда ўстирилган тирноқларни кузатиш мумкин. Улар компьютернинг майда деталларини ечиб, алмаштириш каби ишларда тирноқларидан отвёртка ўрнида фойдаланишади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

АЛДАНИБ КЎЗИМ ОЧИЛДИ

Биринчи турмуш ўртоғим билан ўн йилча бирга яшаб, фарзанд кўрмагач, ноилож ажрашишга мажбур бўлдим. Кейин анча вақтгача уйланмай юрдим. Ёшим қирқдан ошганда бир ҳамкасбим икки қизчаси билан тул қолган Диёра деган аёл билан таништириб қўйди. У ҳам бошидан не-не савдолар ўтганини гапириб берди, шаръий никоҳдан ўтиб яшай бошладик.

Она-болаларни уйимга олиб келиб, уларга қўлимдан келгунча бор меҳримни беришга ҳаракат қилдим. Қизлар ҳам менга дарров ўрганиб қолишди. «Дада-дадажон», деб чугурлашганлари кулогимдан сира кетмайди. Тўғриси, Диёра ҳам тезликда ишончимга кирди. Уй юмушларини чақон бажарар, ширин овқатлар тайёрлаб ўтиради. Хотинимга ишончим шунчалик зўр эдики, тижорат билан шуғулланганим боис, савдодан тушган пулларни унга ишониб бериб қўярдим. Одамнинг оласи ичида деганлари рост экан, уч ойча яшаганимиздан кейин, у кутилмаганда жамғариб юрган анчагина миқдордаги пулларимни олиб қочиб кетса бўлади-ми.


Уни изламаган жойим қолмади. Орадан икки хафта ўтиб, ўзи менга қўшин давлатдан кўнғирок қилди. Унинг айтишича, бир дугонаси билан катта пул ишлаш мақсадида у ёққа кетганмиш. Қайтиб келганимдан кейин пулларингизни қайтараман, деди. Унга тезроқ уйга қайтишни, ҳамма шароитини яратиб қўйганимни айтсам, нима дейди дегн: "Мен ҳам бошқалардек ўз шахсий уйим, машинам бўлишини хоҳлайман. Сизда кўнғим йўқ, жавобимни беринг". Бошим қотиб қолди. Иккинчи турмушим ҳам бузилганидан қаттиқ сиқилдим. Аммо дўст-биродарларим "Елғизлик ярашмайди, уйлансанг ишларинг ҳам юришиб кетади", деб менга қайта-қайта маслаҳат беришгани учун минг истиҳола билан сизларга мурожаат қиляпман. Бу сафар турмуш ўртоғим билан албатта, қонуний никоҳдан ўтаман. Ўзим тўғримида гапирсам, Ёшим 46 да. Тижорат билан шуғулланаман. Хусусий дўконим бор. 35-45 ёшдаги, самимий,

оқкўнғил, иймонли аёлга уйланмоқчиман.

КАРИМБОЙ,
Хоразм вилояти.

БЎЙИНБОҒЛИ ЙИГИТНИ КУТДИМ

Исми Муниса. Ёшим 27 да. Институтни тугатиб, ҳозир пойтахтда яшаб, ишлаяпман. Ишонсангиз, вақтида қиш-



лоқдошларимдан келган совчиларни «Мен ўқиганман, дипломи бор бўйинбоғли йигитга турмушга чиқаман», деб рад қилганман. Энди бўлса, ўша ўқиманган йигитлардан ҳам садо йўқ. Аттанг, такаббурлик қилибман. Қиз бола бахтини ушлаб ўтирмаслиги керак экан. Тўғриси, кейин ҳам бир-икки кишилар уйланмоқчи бўлиб оғиз солишди. Аммо суриштирсам, улар оила қурган одамлар экан.

Билишимча, газетангизга мурожаат қилаётганлар зарур ҳужжатларни келтиришмаса, хизмат кўрсатилмас экан. Шунисини эшитиб, бу ерга келдим. 35 ёшга бўлган, илжои бўлса, қорақалпоғистонлик, ичмайдиган, ижобий фазилатларга эга кишига турмушга чиқ-

моқчиман. Майли, бўйинбоғ тақмасам, қалби тоза инсон бўлса, бас.

БАХТИГУЛ,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Хўжайли тумани.

ЎҒЛИНИ ҚИЗФОНГАН ОНА

Ҳеч бир қиз янги ҳаёт остонасида турганида турмуши бузилишини, умр йўлдошидан ажралишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Айниқса фарзандли бўлгач, ҳар қандай вазиятда ҳам оиласини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Мен ҳам турмушга чиққач, баҳоли қудрат қайнона-қайнотам, эримнинг хурматини жойига қўйишга ҳаракат қилдим. Аммо турмуш ўртоғим мени қанчалик яхши кўрмасин, барибир онасининг гапидан чиқмасди. Албатта, қайнонам ўғлига тўғри маслаҳат берса, бунинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ. Онасини хурмат қиладиган, гапини икки қилмайдиган фарзанд ҳаммамнинг ораси. Афсуски, қайнонам мени унчалик хушламади. Негалигини очғи, ҳозиргача тушунамайман. У ҳар қандай вазиятда мени ўғлига ёмон кўрсатишга ҳаракат қиларди. Аҳвол кун сайин қийинлашар, эрим мени гапларимга ишонмас, фақат онасининг айтганини қиларди. Хуллас, бизларни ажраштирмагунча тинчимайди. Ҳатто жажжи қизалогимизга ҳам ичи ачимайди.

Ҳозир отамнинг уйидаман. Ёшим 34 да, маълумотим олий. Молия мутахассислиги бўйича ўқиганман. Миллатим қозоқ. Шу боис 38-44 ёшга бўлган қозоқ ёки қорақалпоқ миллатига мансуб, Тошкентда яшовчи, қизимга оталик меҳрини бера оладиган инсонга турмушга чиқмоқчиман.

МАЛИКА,
Тошкент шаҳри.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Табиат — дорихона

УЙ ШАРОИТИДА

гайморитни даволаш мумкинми?

• Қирғичдан ўтказилган ярим стакан ерқалампир (хрен) илдиэи 2-3 дона лимон шарбати билан аралаштирилади. Ушбу аралашма эрталаб ва кундузи овқатланишдан ярим соат олдин ярим чой қошиқдан истеъмол қилинади.

• Бир бош саримсоқлиёэ тозаланиб, майдалаб эзилди. Унинг устига бир неча томчи қайноқ сув томизилади. Тайёр бўлган малҳам 3-4 марта хидланади. Оёқ остига эса хантал (горчица) солинган илик сувли тоғора қўйиб ўтирилади. Ушбу муолажа икки кун такрорланади. Муолажа бошланган пайтда кўздан ёш дувиллаб оқа бўлласа, демак барчаси жойида. Даволаниш жараёни бошланган. Эсда тутинг! Ушбу муолажани қилиш даврида сут ва сут маҳсулотларини ичиш мутлако мумкин эмас.

• Бир дона тухум 10 дақиқа қайнатилиб пишғач, пўстини артмасдан пичоқ билан иккига бўлинади. Чой қошиқ билан сариғи ажратиб олинғач, унинг ўрни асал билан тўлдирилади. Очиқ томонини юқорига қаратиб қадах (рюмка) устига қўйилади. Тухум совуғач, эриган асалдан кунига 5 маҳал 2 томчидан ҳар бир бурун катагига томизилади. Ушбу муолажани куз, қиш ва баҳор бошларида бажариш мумкин.

• Гайморитни даволаш учун докадан тайёрланган тампон асалга шимдирилиб, пинцет ёрдамида беморнинг бурун катақларига жойлаштирилади. Ушбу муолажа эрталаб ва кечкурун ётишдан олдин, 10 кун давомида такрорланади. Кунига овқатдан кейин 100-150 г. асалдан 1-2 чой қошигини тил тағида узоқ ушлаб турилса, бу ҳам гайморитнинг бартараф бўлишига ёрдам беради.

Биз тавсия этаётган муолажаларни қилишдан аввал мутахассис билан маслаҳатлашсангиз, мақсадга мувофиқ бўлади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Фойдали маслаҳатлар

• Грипп ва қаттиқ шамоллашни даволашда пиёзнинг аҳамияти катталигини биласизми? Бунинг учун пиёзни майда тўғраб идишга солисиз ва яхшилаб эғиласиз. Сўнгра бошингизга каттароқ сочиқни ташлаган ҳолда, 15-20 дақиқа давомида идишдаги пиёзни хидлашингиз лозим.

• Янги, сифатли гўшт тўқ қизил рангда бўлади. Бармоқ билан босганда у тезда ўз холига қайтади. Сифатсиз гўшт ёпишқоқ, шалвирган, ранги хира бўлади.

• Пишлоқни қопқоқли идишга жойлаб, ёнига бир чакмоқ қанд бўлаги солиб қўйсангиз, пишлоқ икки хафтада ҳам сифатини йўқотмайди.

• Гўштни қовуриш ёки қайнатиш учун уни каттароқ бўлақларга бўлиб қозонга солинг. Шунда у намликни ўзида сақлаб қолиб, мазали бўлиб пишади.

• Гўшт пиширишдан анча аввал тузлаб қўйилса, ундаги инсон организми учун фойдали бўлган моддалар муддатидан илғари чиқиб кетиб, сифати бузилади.

• Пицца юзиде пишлоқ қотиб, қаттиқ қатлам ҳосил қилмаслиги учун у пицца пишишига 2 дақиқа қолганда сепилади.

• Чарчок, жиззакилик, хотира пасайиши ва ҳардамхаёлик сизни безовта қиляптими? Унда сизга Е витамини етишмаётган бўлади. Организмда бу витамини меъёрида бўлиши учун бодом, ёнғоқ, гўшт, тухум, сут, сариёғ ва дуккакли ўсимликлардан кўпроқ истеъмол қилинг.

• Гастрит ва ошқозон яраси борларга олма ейиш тавсия этилмайди. Қандли диабетга чалинганлар эса олманинг фақат нордонини ейиши мумкин.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.



ЎЙНАБ ЭМАС, ЎЙЛАБ КУЙЛАНГ!

Ойна

Бир хаваскор кўшиқчининг "Ўзинга ўхшаган синглини йўқми?" дея куйлаганини эшитиб қолдим. Билмадим, кўшиқ услуби, йўналиши балки айрим мезонларга жавоб берар, бироқ, бу бачкана матн ҳар қандай мухлисни ҳайрон қолдириши табиий. Аввал опасини севиб, сўнгра синглиси билан аҳду паймон қилишни орзулаётган (ҳар ҳолда бундан бошқа маъно йўқ-да) ошиқнинг курақда турмайдиган бундай деб алжираши қайси меъёрларга тўғри келади?

Ҳали янги ҳаёт остонасига кириб улгурмаган ёш йигит-қизлар илк чиқишларидан "Лаблари бунча асалли", "Лаблари ширин болли" ёки "лаблари қаймоқча" дея куйлашаётганига не дейсиз? Наҳотки, улар бундай муносабатларни очик-ошкора айтиш мумкин, деб ўйлашса?! Ҳеч эшитганимиз, кўча-кўйда бирор йигитнинг қизларга "Лабингда писта чакай" деганини? Ёхуд қиз боланинг йигит кишига "Кел, мени бағринга бос" дея илтижо қилганини-чи? Йўқ, албатта. Нега у ҳолда бу кўшиқчилар катта саҳнадан туриб кенг жамоатчилик олдида шундай сўзларни айтишдан уялишмаяпти? Ёки айб шундай алмойи-жалмойи сўзларни шеър ёки кўшиқ деб ёзиб бераётган нафисга қул бўлиш "жўки шоир"лардамикан?

Тўғри, мумтоз адабиёт намуналарида ҳам севики ёрнинг жисму кўриниши, хусни жамоли, висолига бағишлаб қатор таъриф у тавсифлар айтилган. Аммо ҳеч қачон бугунгидек ахлоқий меъёрлардан четга чиқилмаган. Ҳозирги пайтда "юлдузлик" касалига учраган ёш

лаш лозим эди.

Яна бир мулоҳаза: бугунги кунда яқин қариндошлар ўртасида турмуш куриш оқибатида болалар ноғирон, майиб ва мажруҳ бўлиб дунёга келаётгани хусусида кенг жамоатчилик, мутахассислар бонг уришяпти. Бундай ҳатолликлар оқибатида ёш оилалар мустақамлигига путур етмоқда. Бу йўлнинг шариатда ҳам, замонавий тиббиётда ҳам мумкин эмаслигини кўра-била туриб, фарзандларини бахтсиз қилаётган ота-оналарга нима деймиз? Шу боис бундай никоҳларнинг олдини олиш учун маҳаллаларда, таълим муассасаларида тушунтириш ишлари олиб борилаётган пайтда бир кўшиқчи катта саҳнага чиқиб олиб, "Севганим тоғамнинг кизи", дея куйлаётганини эшитиб, тавба деб ёқангизни ушлайсизми?

Халқимизда "Мен не дейман, кўбизим не дейди?" деган ибора бежиз айтилмаган. Демак, не-не улуг даҳоларни, оташнафас ҳофизларни дунёга таниган ўзбек кўшиқчилики санъати остонасидан умид билан ҳатлаётган хонанда кўшиқчиларга айтар сўзимиз — ўйнаб эмас, ўйлаб куйлашни одат қилинг!

Соҳиба МАҲАМАДЖОНОВА,
журналист.



БОКСЧИЛАРИМИЗ ЧЕМПИОНЛИК УЧУН КУРАШМОҚДА

Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида олтишдан зиёд мамлакатдан 400 нафарга яқин спортчи ўн вазн тоифасида голиблик учун куч синашмоқда.

Халқаро хаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) томонидан ташкил этилган ушбу мусобақада Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси тўлиқ таркиб билан иштирок этмоқда.

91 килограмм вазн тоифасида қатнашаётган ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Ойбек Шарипов дастлабки учрашувда хитойлик Ю Фенганни 19:12 ҳисобида мағлубиятга учратди. Кейинги жангнинг биринчи раундида беларуслик Матвей Уласенко нокаутга тушириб, чорак финалга йўлланма олди.

Уч йилдан буён халқаро миқёсдаги мусобақаларда тажрибасини ошириб келаётган боксчиларимиздан Жаҳонгир Давидов 56 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда жазоирлик Халил Литимни 14:8, филиппинлик Жонас Бачони 12:10 ҳисобида мағлуб этди. 69 килограмм вазн тоифасида қатнашаётган Акмалбек Қосимов Янги Зеландия вакили Давид Нийкани иккинчи раундда мутлақ устунлик билан енгди.

Оғирлиги 60 килограмм бўлган Элнур Абдуҳақимов дастлабки боксчида Жазоир терма жамоаси аъзоси Амирухт Айт Бекани 18:6 ҳисобида мағлубиятга учратди. 49 килограмм вазнда рингга чиққан Муроджон Аҳмадалиев французлик Маркус Гевиадан 17:16 ҳисобида устун келди.

Халқаро мусобақада илк маротаба иштирок этаётган ёшлар ўртасида мамлакатимиз чемпиони Азизжон Маматов беларуслик Илья Демидовни, Ҳакимжон Убайдуллаев канадалик Майкл Монтегомнерни мағлубиятга учратди.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА КЕЛДИ

Кеча ва бугун Европа Чемпионлар лигасининг гуруҳ боксчи 6-тур учрашувларига старт берилди.

Сешанба оқшомида футбол ишқибозларини саккизта ўйин кутиб турибди. Улар ичида кўпчиликининг нигоҳи «Боруссия» Д ҳамда «Манчестер Сити» клублари ўртасидаги баҳсга қаратилган бўлса ажаб эмас. Сабаби, «шахарликлар» ҳатто Европа Лигасига ҳам чиқа олмасликлари мумкин. Манчини шогирдларини фақат галаба қониқтиради.

Мадридда «Реал» Амстердамнинг «Аякс» клубини қабул қилади. Мууриньо шогирдлари биринчи ўрин учун майдонга чиқишлари табиий. Чунки «Реал»да ҳали гуруҳда етакчиликка айланиш учун назарий бўлса ҳам имконият бор.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ЛОҚАЙДЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ёнгингизнинг ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида яқинда Наманган вилоятида «Ёнгинга қарши сув ховузлирини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Унда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Давлат архитектура ва қуриш қўмитаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўздонмахсулот» АК ва бошқа тегишли идора ва муассасаларнинг мутасаддилари иштирок эттиди.

Ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар республикамиз ҳудудидаги ёнгинга қарши сув ховузлирини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, носоз ёнгинга қарши сув ховузлирини таъмирлаш, мавжудларини носоз ҳолга келиб қолишининг олдини олиш, ёнгинга қарши сув идишлари ва ховузлирини ер сатҳидан пастга қуриш, сизот сувларни қочирish ва бошқа долзарб мавзуларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Маълумки, ёнгинларни ўчириш учун ишлатиладиган асосий восита, бу сув бўлиб, у сунъий ёхуд табиий манбалар-

да сақланади. Ушбу манбаларнинг доимий саз ҳолда бўлиши ёнгинларни бартараф этишнинг асосий омилдир. Маҳаллаларда содир бўлган ёнгинларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида сув ховузлири барпо этилган



бўлса-да, лекин айрим фуқаролар ўз манфаатларини кўзлаб, бу ховузлирини ўз томорқаларига қўшиб олиш ёки кўмиб юбориш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Ушбу ҳолатлар маҳалла фаоллари ва мутасадди ходимлар томонидан назоратни сусайтириб юборилганлиги сабабли вужудга келмоқда. Яна бир гал, аҳоли турар жойларида ёнгинга қарши сув ховузи қурилганда бу ерда махсус техникалар ҳаракатланиши ва лозим бўлганда қайрилиб олишига имкон берувчи майдон ва йўллар қолдирилмаётганлиги ҳам аянчли ҳолатларга олиб келмоқда.

Содир бўлган ёнгинлар юзасидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқ-

Ёнгингиз хавфсизлиги ойлиги

даки, республика ҳудудида, айниқса қишлоқ жойларида мавжуд ёнгинга қарши сув манбаларининг техник ҳолати талабга жавоб бермаслиги оқибатида жиддий муаммолар юзага келмоқда. Ховузлирини сувсиз ҳолатда туришининг сабаблари ўрганилганда электр насосларининг носозлиги, марказий сув оқова тизими таъминотида узилишлар мавжудлиги, ховузларга олиб келинган ариқларнинг кўмиб ташланганлиги аниқланди. Ҳозирги кунда ёнгинга қарши сув ховузлирини ичимлик суви билан ҳамда электр энергияси ёрдамида тўлдирилиши республика иқтисодиётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Масалан, бюджет муассасалари учун 1 м.куб ичимлик суви нархи 330 сўм бўлса, 100 м.куб.ли ховузи тўлдириш учун 33000 сўм талаб қилинади. Ушбу рақамни 3459 та ховузга кўпайтирсак, 114 млн. 147 минг сўм пул маблағи талаб қилиниши маълум бўлади. Ушбу харажат билан барча ховузлар атиги бир марта сув билан тўлдирилади, ҳолос. Бундан ташқари, республикамиз вилоятларининг айрим туманларида ер ости шўр сувлари ер сатҳига яқин бўлганлиги сабабли, ховузлирининг кўпчилиги ер устига қурилган бўлиб, уларда суви сақлаш ҳамда автомобиллар орқали суви олишда муаммолар туғилмоқда.

Фикримизча, маҳаллаларда, гузарларда сув ховузлири ҳашар йўли билан барпо этилса, уларга олиб борувчи йўлларда ўт ўчириш машиналарини эркин ҳаракатини таъминласак, ёнгинларни тез ва талафотсиз бартараф қилиш мумкин бўлади. Мухтасар қилиб айтганда, ёнгинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал эканлигини унутмайлик.

Жаҳонгир РАҲИМЖОНОВ,
республика ИИБ ЁХБ
муҳандиси, капитан.

Муассасалар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Нигора РАҲМОНОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1228. Формати А-3, ҳажми 2
табоқ. Адади — 6173. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мўҳбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1235